

Нусрат нима?



11:02 / 21.08.2020 12758

Албатта, Биз расулларимизга ва иймон келтирганларга дунё ҳаётида ва гувоҳлар турган Кунда ҳам нусрат берурмиз.

Яъни Аллоҳнинг нусрати бу дунёда ҳам пайғамбарларга ва мўминларга бўлади, у дунёда ҳам. У дунёда пайғамбарлар ва мўминлар учун Аллоҳнинг нусрати бўлиши ҳақида ҳеч ким, ҳатто кофирлар ҳам шак-шубҳа қилмайди. Аммо бу дунёдаги нусрат ҳақида турли фикр ва мулоҳазалар бўлиши мумкин. Инсоннинг тор фикри ва қисқа ўлчови оқибатида «Пайғамбарларга ва мўминларга нусрат берадиган бўлса, нима учун баъзи пайғамбарлар ўлдирилган, баъзилари азоб-уқубатга учраган, кўплари ҳижрат қилишга мажбур бўлган? Нима учун, ҳозир ҳам гувоҳ бўлаётганимиздек, кўплаб мўминлар кофирлар томонидан ўлдирилган, қийноқларга солинган, қамалган, қувилган ва бошқа хорликларга учраган?» деган фикрлар

уйғонади. Қуръони Карим руҳини, Ислом таълимотларини яхши англаб етган уламоларимиз бу каби саволларга атрофлича жавоб берганлар.

Аввало, пайғамбарларга ва мўминларга бу дунёда нусрат берилиши ҳақида гап кетганида, бир шахс, бир авлод, бир миллат ва маълум бир замон назарда тутилганми? Қолаверса, «нусрат» деганда нима кўзда тутилади? Баъзи одамларни ўлдириш, баъзиларини қамаш, баъзиларини калтаклаш ва айримларини қувиб чиқаришми? Агар ҳар бир ўлдирган ғолиб бўлиб, ўлдирилган мағлуб ҳисобланадиган бўлса, дунёда ўғри, муттаҳам ва золим-қонхўрлар ғолиб саналган бўлар эди. Агар ҳар бир қамаган ғолиб, қамалган мағлуб саналса, адолат торозиси тамоман тескари тортилган бўларди. Агар ҳар бир қувган ғолиб, қувилган мағлуб ҳисобланса, ҳақиқатнинг юзи қорайиб кетган бўларди.

У Кунда золимларга маъзиратлари наф бермас. Уларга лаънат бўлғай ва уларга ёмон диёр бўлғай.

Иймон ва куфр орасидаги курашда нусрат кимга бўлиши тор ўлчовда эмас, балки кенг мезонлар билан ўлчанади. Аллоҳ таоло иймоннинг қалбларда, ер юзида тантана қилиши учун инсоннинг ўзи саъй-ҳаракат қилиш кераклигини шарт этган экан, унинг йўлидаги қурбонлар, машаққатлар эришиладиган нусратнинг қийматини оширади, қадрини кўтаради. Ундан кейин, инсоният тарихидаги иймон билан куфр ўртасидаги курашнинг оралиқ натижаларига ҳам бир назар солайлик. Уларнинг ҳаммаси пайғамбарлар ва мўминларга нусрат берилиши билан якун топганини кўрамиз.

"Тафсири Ҳилол" китобидан